

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ЭЛЁР ҲАКИМОВИЧ

**МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ МАНИПУЛЯЦИЯНИНГ ЁШЛАР
ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ибрагимов Элёр Ҳакимович

Маънавий-руҳий манипуляциянинг ёшлар

дунёқарашига таъсири 3

Ибрагимов Элёр Ҳакимович

Влияние духовно-психологической манипуляции

на мировоззрение молодежи 21

Ibragimov Elyor Khakimovich

The influence of spiritual and psychological manipulation

on the youth worldview 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ЭЛЁР ҲАКИМОВИЧ

**МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ МАНИПУЛЯЦИЯНИНГ ЁШЛАР
ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори, профессор
Негматова Шаҳзода Шухратовна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
доктори (PhD) фалсафа ф.б.

Н.О.Сафарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XX аср охири XXI аср бошларида кечган ижтимоий жараёнлар ёшларни маънавий-мафкуравий таъсир объектига, инсон руҳи ва онги учун олиб борилаётган курашнинг энг аҳамиятли нуқтасига айлантирди. Турли манфаатларга эга бўлган субъектларнинг ёшлар дунёқарашини ўз мақсадларига мувофиқ равишда ўзгартиришга, уни манипуляция қилишга интилиши, йигит ва қизларга турли иқтисодий фаолият нормаларини, сиёсий ғояларни, ижтимоий позицияларни, маънавий кадриятларни сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари тенденциявий тус олмоқда. Шу муносабат билан ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ёшлар дунёқарашини махфий, алдов ёки мажбурлаш тактикалари ёрдамида ўзгартириш технологияларининг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа аспекти узоқ йиллардан буён ҳар томонлама тадқиқ қилиб келинади. Бундай изланишлар турли мамлакатларда истиқомат қилаётган йигит ва қизлар дунёқарашини манипуляция қилишнинг самарали механизмларини топиш мақсадида ёки аксинча ёшлар дунёқарашини шундай саъй-ҳаракатлардан ҳимоялаш ниятида амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида назариялар, концепциялар, технологиялар, услубий ёндашувлар шаклланмоқда. Шу сабабли мазкур технологияларнинг мазмуни ва шакллари, соҳалари ва йўналишлари, сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар дунёқарашини муайян мақсадларга мувофиқ ўзгартиришга интилишлар ҳам мавжуд. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”¹. Шу боисдан йигит ва қизлар дунёқарашини ҳимоя қилиш масаласи умумжамиат аҳамиятига молик вазифа сифатида талқин қилинмоқда ва бу борадаги ишлар маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида йўналишига айлантирилган. Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик ёшлар онги ва дунёқарашини ҳимоялашнинг янги ва янада самарали йўллари излаб топишни тақозо қилмоқда. Мазкур ижтимоий вазифани бажариш учун ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш технологияларини махсус тадқиқот объектига айлантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5.1. бандидаги вазифаларни, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини

¹ Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б.504-505.

ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, инсон дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий, сиёсий, психологик ва бошқа масалалар мутахассислар томонидан фаол тадқиқ қилина бошланди. Бу тадқиқотлар янги аср ибтидосида ҳам давом эттирилди. Мазкур тадқиқотларнинг маҳсули сифатида қатор илмий ишлар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Жумладан, хорижда нашр этилган Ж.Маритен, Г.Маркузе¹, Э.Тоффлер, М.Хевеши, Р.Чалдини ва бошқаларнинг илмий ишларида нафақат инсон дунёқарашини манипуляция қилиш мазмуни ва моҳияти, балки унинг пост-индустриал жамият шароитида намоён бўлиш шакллари ҳам очиқ берилди.

МДХ мамлакатларида ҳам қатор эътиборга лойиқ илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, Г.Грачев, Е.Доценко, Л.Ионин, С.Кара-Мурза, В.Крысько, Н.Лимнатисларнинг² диссертация ва монографияларида маънавий-руҳий манипуляциянинг мазмуни ва шакллари, йўналишлари ва соҳалари, сабаблари ва оқибатлари таҳлил этилади.

Мамлакатимизда ҳам мазкур муаммо мутахассислар эътиборидан четда қолгани йўқ. Унинг айрим аспекти таҳлилини И.Каримов, Н.Муҳаммадиев, Қ.Назаров, Ш.Пахрутдинов, Р.Рустамов³, Р.Самаров⁴, А.Худайбергенов, Ж.Я.Яхшиликков ва ўнлаб бошқа муаллифларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган илмий ишларда муаллифлар янги асрда ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга интилишлар кучайгани, манипулятив технологиялар таъсири ўлароқ йигит ва қизлар руҳиятида муайян ўзгаришлар содир бўлгани билан боғлиқ кўплаб назарий фикрлар ва амалий тавсияларни

¹ Қаранг: Маркузе, Г. Одномерный человек Текст. / Г. Маркузе. М.: АСТ, 2009.

² Қаранг: Лимнатис Н. Манипулирование: сущность, проявления, пути снятия (философский и социально-политический анализ). - М., 2000.

³ Қаранг: Рустамов Р. Геополитик рақобат шароитида маънавий тарғибот системасидаги атрибутив ўзгаришлар, муаммолар ва ечимлар. Фалс.д. (PhD) ...дисс. автореф.- Т., 2019.

⁴ Қаранг: Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. - Т.: Академия, 2010.

илгари сурадилар. Лекин муаммони ижтимоий фалсафа позициясидан махсус ўрганиш масаласи ҳанузга қадар кун тартибидан олингани йўқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2020 йилларга мўлжалланган “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари диалектикаси” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция технологияларидан ҳимоялаш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“маънавий-руҳий манипуляция” тушунчаси мазмуни, унинг мақсади, типлари ва шакллари аниқлаш;

маънавий-руҳий манипуляция субъекти, дастури, услублари ва воситаларининг ўзаро диалектик алоқадорликда намоён бўлишини исботлаш;

ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга қаратилган манипулятив таъсир сабаблари ва оқибатларини аниқлаш;

ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялаш йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти дунёқарашни маънавий-руҳий манипуляция қилиш жараёни билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш жараёни ва унинг асосий йўналишлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, тарихийлик ва мантиқийлик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маънавий-руҳий манипуляциядаги мақсаднинг ошкор қилинмаслиги, махфий ҳолда амалга оширилиши, алдов ёки мажбурлаш технологиялари билан боғлиқлиги сингари асосий атрибутларининг инсон онги ва дунёқарашига таъсири мантиқий асосланган;

индивидуал, жамоавий ва оммавий маънавий-руҳий манипуляциянинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий мақсадларга йўналтирилганлиги фалсафанинг сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса категориялари воситасида очиқ берилган;

манфаатдор субъектлар (*ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий институтлар*)нинг ёшлар дунёқарашини ўзгартиришда фойдаланадиган деструктив (*вайронкор*) манипуляция технологиялари (*манипулятор, жамоаси, услуби, воситалари*) ишонарли факт ва аргументлар ёрдамида исботланган;

маънавий-руҳий манипуляция натижасида Ўзбекистон ёшлари дунёқарашида содир бўлган негатив ўзгаришлар (*иштиёқсизлик, гарбона ижтимоий билимга мойиллик, ўзга эътиқодларга берилувчанлик, миллий қадриятларга эътиборсизлик, миллий хулқ-атвор нормаларига бўйсунмаслик*) реал воқеликдаги визуал кузатиш воситасида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда маънавий-руҳий манипуляциянинг мазмуни ва шакллари, характери ва йўналишлари аниқлаб берилган бўлиб, бу натижалар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўтаган;

илмий ишда бугунги кунда ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш мақсадида қўлланилаётган технологияларнинг моҳияти ва механизми очиқ берилган бўлиб, бу натижалар ёшлар дунёқарашини манипулятив таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган тадбирларни йўлга қўйишда қўл келган;

тадқиқотнинг асосий амалий натижаси ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар мажмуининг ишлаб чиқилгани билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда илмий характердаги манбаларга мурожаат этилгани, кенг апробациядан ўтган ғоя ва таълимотларга асослангани, далилларни талқин қилишда объективлик ва системавийлик принципларига таянилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар амалий фаолиятида қўллаб кўрилгани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляция қилиш технологияларининг мазмуни ва шакллари, соҳалари ва йўналишлари, сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги илмий тасаввурларни такомиллаштириш, мазкур муаммонинг турли аспектларини илм-фан позициясидан тадқиқ қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – диссертацияда баён қилинган таклифлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, оммавий ахборот воситалари, миллий-маданий марказлар, маҳаллалар, таълим-тарбия даргоҳлари, ассоциациялар, нодавлат ноtijjорат ташкилотлари фаолиятининг ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялашга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маънавий-руҳий манипуляциянинг ёшлар дунёқарашига таъсири бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий фалсафий таклифлар асосида:

маънавий-руҳий манипуляция инсон онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос типи эканлиги, унинг асосий атрибутлари (мақсаднинг ошқор қилинмаслиги, махфий ҳолда амалга оширилиши, алдов ёки мажбурлаш технологиялари билан боғлиқлиги)га оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти “Yuksalish” ахборот-маслаҳат ресурс марказининг 2018 йилга мўлжалланган “Одам савдосига қарши кураш бўйича ҳуқуқий саводхонликни ошириш” мавзусидаги №СТ.0914 рақамли грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти “Yuksalish”

ахборот маслаҳат ресурс марказининг 2019 йил 22 октябрдаги 68-сон маълумотномаси). Бу эса мазкур грант режасининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилган;

маънавий-руҳий манипуляциянинг индивидуал, жамоавий ва оммавий шакллари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий мақсадларга йўналтирилганлиги фалсафанинг сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса категориялари воситасида очиб берилганлигига доир хулоса ва таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2018 йил ноябрь – 2019 йил феврал ойларида ўтказилган “Ёшлар орасида соғлом маънавий муҳит, қадриятлар ва ҳаётий мақсадлар шаклланиши масаласи: муаммо ва ечим” мавзусида комплекс социологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш ва ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2019 йил 3 октябрдаги 03/1452-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоя қилиш механизмини вужудга келтириш чораларига хизмат қилган;

манфаатдор субъектларнинг ёшлар дунёқарашини ўзгартиришда фойдаланадиган деструктив (вайронкор) манипуляция технологияси ишонарли факт ва аргументлар ёрдамида исботланганлигига оид назарий-амалий таклиф ва тавсияларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг ёшларга бағишланган ва 2019 йил 23 август куни эфирга узатилган “Мулоҳаза” номли телекўрсатув ҳамда 2019 йил 26 август куни эфирга узатилган “Билимли авлод-юрт келажаги” мавзусидаги радиоэшиттиришни дастур сценарийсини тузишда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 25 октябрдаги 125-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишга хизмат қилган;

маънавий-руҳий манипуляция натижасида Ўзбекистон ёшлари дунёқарашида содир бўлган негатив ўзгаришлар юзага келганлигига доир таклиф-тавсиялари, конструктив илмий асосланган хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан амалга оширилган – “Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда”, “Ёшлар ва қонун” номли ҳуқуқий танлов Концепциясини ҳамда “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизим самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлари” комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги 04-03/4562-сон маълумотномаси). Бу эса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бош мақсадини амалга оширишда назарий жиҳатдан илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маънавий-руҳий манипуляция феномени”** деб номланган бўлиб, унда маънавий-руҳий манипуляциянинг мазмуни, мақсади, шакллари, характери ва асосий элементлари очиқ берилди.

Инсон руҳияти ва фаолиятига мақсадни ошқор қилмаган ҳолда таъсир кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам асрлар давомида шаклланиб ва такомиллашиб келди. Инсоният тараққиётининг турли даврларида бунинг учун шаманлик, бутпарастлик илоҳлари, турли диний даъватлар, ғоялар, шиорлар ва лозунглардан фойдаланилди. Бироқ ХХ асрнинг иккинчи ярмига келибгина бу ҳаракатларни ифодалаш учун **“маънавий-руҳий манипуляция”** тушунчаси ишлатила бошланди.

Маънавий-руҳий манипуляция деганда кишиларнинг маънавий қиёфаси, руҳияти ва фаолиятини мақсадни ошқор қилмаган ҳолда махфий, алдов ёки мажбурлаш тактикалари ёрдамида ўзгартиришга қаратилган маънавий, руҳий таъсир тури тушунилади. Унинг уч асосий хусусияти мавжуд: а) унинг давомида асл мақсад ошқор қилинмайди; б) у махфий ҳолда амалга оширилади; в) у алдов ёки мажбурлаш технологияларига асосланади.

Маънавий-руҳий манипуляциянинг техникаси ва технологияси, амалга оширилиши жараёни эришилиши режалаштирилган мақсадларга, бу мақсадларнинг мазмуни ва характерига боғлиқ. Зотан, *у сиёсий ёки иқтисодий, ижтимоий ёки маънавий-мафкуравий мақсадларга* эришиш ниятида амалга оширилиши, мақсад-муддаолар мазмунига монанд равишда *позитив ёки негатив характерга* эга бўлиши мумкин.

Маънавий-руҳий манипуляциянинг *индивидуал, жамоавий ва оммавий шакллари* мавжуд. Индивидуал маънавий-руҳий манипуляция алоҳида олинган индивидга нисбатан ишлатилган маънавий-руҳий таъсир тактикалари, услуб ва усуллари йиғиндисини англатади. Жамоавий маънавий-руҳий манипуляция турли ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, уюшмалар, демографик

гуруҳлар руҳиятини ўзгартиришга қаратилган таъсир тактикаларини ўзида мужассам қилади. Оммавий маънавий-руҳий манипуляция бутун бошли халқлар, миллионлаб кишилар руҳияти ва маънавий қиёфасига ёппасига таъсир кўрсатиш тактикаларини назарда тутди.

Маънавий-руҳий манипуляция – ўзининг ҳаракатга келтирувчи ва амалга оширувчи кучларига эга бўлган, турли элементлардан таркиб топган, бошқариладиган мураккаб механизмдир. Бу механизмнинг биринчи элементини ундан манфаатдор бўлган субъект ташкил қилади. *Манипуляция субъекти* бутун механизмни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Маънавий-руҳий манипуляция субъекти сифатида ўз мақсадларига эришишга ва манфаатларини рўёбга чиқаришга интилаётган турли кучлар (масалан, маълум ижтимоий мўлжалларнинг кишилар томонидан қўллаб-қувватланишини истаётган сиёсий кучлар; трансмиллий корпорациялар, иқтисодий макондаги вазиятни ўзгартиришдан манфаатдор бўлган иқтисодий кучлар; ўз ижтимоий мавқеини оширишга уринаётган халқаро нодавлат ноижорат ташкилотлар; ўз ғоя ва мафкураларининг таъсир доирасини кенгайтириш илинжида бўлган турли мафкура ташувчилари, ғоявий марказлар) фаолият кўрсатиши мумкин.

Маънавий-руҳий манипуляция билан боғлиқ амалларнинг том маънодаги муаллифи, уни амалга оширувчи куч манипулятордир. У шахс, ижтимоий гуруҳ ёки жамият руҳияти ҳамда маънавий қиёфасини манипуляция қилиш дастурини тайёрлайди, уни амалга оширувчи кишилар гуруҳини шакллантиради, ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда манипуляция шакли, муддати, босқичлари, услублари, воситаларини аниқлайди, манипуляция натижаларини мониторинг қилиб боради.

Манипулятор ўз фаолиятини маълум *дастур ёки лойиҳа* асосида олиб боради. Унда манипуляция мақсади ва амалга оширилиши шакллари, муддатлари ва босқичлари, услублари ва воситалари, унинг натижаларини мониторинг қилиш йўллари аниқ белгилаб олинади. Дастур муайян *гуруҳ* томонидан амалга оширилади. Маънавий-руҳий манипуляция самараси унинг *шаклининг* тўғри танланишига бевосита алоқадор. Одатда манипуляция шакли кўзланган мақсаднинг характери, манипуляция қилинаётган аудитория хусусиятлари, ижтимоий шарт-шароитлар, мавжуд имкониятларга қараб танланади.

Маънавий-руҳий манипуляция механизмнинг энг асосий элементи унинг *услубидир*. Бу услубларни умумий ва хусусий услубларга таснифлаш мумкин. *Умумий услублар* (юктириш, сингдириш, ишонтириш, тақлид қилдириш услублари) индивидуал, жамоавий ва оммавий маънавий-руҳий манипуляция жараёнида бирдек қўлланилади.

Маънавий-руҳий манипуляциянинг фақат айрим шаклларида қўлланиладиган *хусусий услублар* ҳам мавжуд. Чунончи, индивидуал маънавий-руҳий манипуляцияда намоийшкорона бефарқлик, асосиз ғзаб, аҳмоқликда айблаш, махсус терминология, нуфузли кишиларга мурожаат қилиш каби юзлаб услублардан фойдаланилади. Жамоавий маънавий-руҳий манипуляцияда ҳақорат услуги, мақтов услуги, ўзини содда инсон қилиб кўрсатиш услуги, фактларни аралаштириш услуги нисбатан кўпроқ

қўлланилади. Оммавий маънавий-руҳий манипуляцияда фрагментация, хусусий фактни умумий факт сифатида талқин қилиш, воқеликни бўяб кўрсатиш, манбаси номаълум ахборотларни тарқатиш, турли маълумотлар билан қўрқитиш, такрорлаш, мутлақ ёлғон ишлатиш, содир бўлмаган воқеаларни воқелик сифатида талқин этиш, муқобил маълумотларни тақдим қилиш каби юзлаб услублардан фойдаланилмоқда. Мазкур услублар турли классик ва замонавий *воситаларга* таянади.

Маънавий-руҳий манипуляция жараёни манипулятор томонидан *мониторинг* қилиб борилади. Мониторинг маънавий-руҳий манипуляция дастурининг бажарилишини назорат қилиб бориш имконини яратади, аудитория дунёқараши ва маънавий қиёфасида рўй берган ўзгаришларни ўрганишда қўл келади, манипуляция жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш, турли аналитик материаллар, прогнозлар тайёрлаш имконини беради.

Биринчи бобдаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсон руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатиш технологиялари тараққиётининг қонуний интихоси бўлган маънавий-руҳий манипуляция кишилар маънавий қиёфаси, руҳияти ва фаолиятини асл мақсадни ошқор қилмаган ҳолда махфий, алдов ёки мажбурлаш тактикалари ёрдамида сиёсий ёхуд иқтисодий, ижтимоий ёхуд маънавий-мафкуравий мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартиришга қаратилган маънавий, руҳий таъсир типини англатади.

2. Маънавий-руҳий манипуляция ўз характериға кўра позитив ва негатив, шаклиға кўра эса индивидуал, жамоавий ёки оммавий бўлиши мумкин.

3. Маънавий-руҳий манипуляция механизми ундан манфаатдор бўлган субъектни, у томонидан маълум мезонлар асосида танланган манипуляторни, манипулятор фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тайёрланган дастур ёки лойиҳани, кўзланган мақсад характери, аудитория хусусиятлари, ижтимоий шарт-шароитлар ва мавжуд имкониятларға мутаносиб равишда танланган манипуляция шакли, унга хос услуб ва воситаларни, натижаларни мониторинг қилиш тадбирларини ўз ичига олади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ёшлар – маънавий-руҳий манипуляция объекти”** деб номланган бўлиб, унда ёшлар дунёқарашининг манипуляция қилиниши сабаблари, йўналишлари ва оқибатлари аниқланади.

XX аср охири XXI аср бошиға келиб, ёшлар турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маданий манфаатларға эға кучларнинг диққат марказиға тушди, уларнинг дунёқараши жадал манипуляция қилина бошланди. Ёшлар дунёқараши манипуляциясининг *тўрт асосий сабаби* бор. Биринчидан, бугунги йигит ва қизлар моддий ишлаб чиқариш жараёни характериға, иқтисодий тараққиёт мўлжалларини аниқлашға жиддий таъсир кўрсатишға, кези келганда уни тубдан ўзгартиришға қодир демографик кучдир. Иккинчидан, ёшлар жамиятни бошқариш характериға, ҳокимият ва сиёсий соҳа табиатиға таъсир ўтказиш имкониға эға бўлган сиёсий кучдир. Учинчидан, бугунги ёшлар жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчисидир. Тўртинчидан, ёшлар жамиятдаги маънавий-руҳий вазиятни белгиловчи, маънавий хавфсизликни таъминловчи кучдир.

Ёшлар дунёқарашини манипуляция қилишнинг тўрт асосий сабабига мутаносиб равишда йигит ва қизлар дунёқарашини асл мақсадни ошкор қилмаган ҳолда, турли махфий, алдов технологиялари, самарали услуб ва воситалар ёрдамида ўзгартириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг *тўрт асосий йўналишини* қайд қилиш мумкин. Улар иқтисодий (масалан, транс-миллий корпорациялар), сиёсий-ҳуқуқий (масалан, давлатлар, улар хизматида бўлган махсус хизматлар), ижтимоий (масалан, турли ижтимоий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро жамоат ташкилотлари), маънавий-мафкуравий (масалан, ғоявий марказлар) субъектлар томонидан амалга оширилаётган манипуляцияни ўз ичига олади.

Манипуляцион технологияларнинг мақсадга мувофиқ таъсири ўлароқ айрим ўзбек йигит ва қизларининг дунёқарашини содир бўлаётган ўзгаришларга тез-тез гувоҳ бўламиз. Тўғри, бундан мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча ёшларнинг дунёқарашини тубдан салбий тус олди, деган хулоса келиб чиқмайди. Гап манипуляцион технологиялар таъсирида дунёқарашини салбий ўзгаришлар содир бўлган айрим тоифадаги йигит ва қизлар ҳақида бормоқда, холос. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, ёшлар дунёқарашининг маънавий-руҳий манипуляция қилиниши қуйидаги *оқибатларга* олиб келди:

Биринчидан, маънавий-руҳий манипуляция натижасида анъанавий ижтимоий билимларга иштиёқсиз, ғарбона ижтимоий билим ва идеалларга мойил ёшлар пайдо бўлди. Трансмиллий корпорацияларнинг истеъмолчилик психологиясини шакллантиришга қаратилган манипулятив ҳаракатлари, турли хорижий сиёсий институтларнинг геосиёсий мақсадларга бўйсундирилган манипуляцион технологиялари, Европада фаолият кўрсатаётган қатор ижтимоий институтларнинг ғарбона турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган тадбирлари айрим йигит ва қизларнинг жамият ҳақидаги анъанавий билимларга бўлган иштиёқини сусайтирди.

Иккинчидан, манипуляция натижасида ёшлар орасида эътиқоди заиф, ўзга эътиқодларга берилувчан йигит ва қизлар пайдо бўлди. Турли манипулятив технологиялар ёрдамида ёшларнинг билим олиш, бу билимларни пухта ўзлаштиришдан чалғитилиши, махсус китоблар, фильмлар, маълумотлар орқали истеъмолчилик, молпарастлик, бугунги кун билан яшаш кайфиятининг сингдирилиши эътиқоди муттасил ўзгарувчан, беқарор йигит ва қизлар тоифасини юзага келтирди.

Учинчидан, маънавий-руҳий манипуляция таъсирида реал воқеликка мос бўлмаган кайфиятдаги ёшлар пайдо бўлди. Бундай кайфиятни халқаро ташкилотлар ва муассасалар томонидан ажратилган грантлар асосида бажарилаётган турли ижтимоий лойиҳаларда иштирок этаётган ёшларда кўриш мумкин. Турли ижтимоий лойиҳаларда иштирок этган йигит ва қизларнинг аксар қисмида асосиз оптимистик кайфият шаклланоқда. Бундай кайфиятга эга йигит ва қизлар жамиятдан, реал воқеликдан, унинг асл муаммоларидан узилиб қолапти.

Тўртинчидан, маънавий-руҳий манипуляция таъсирида миллий кадриятларга эътиборсиз ёшлар тоифаси пайдо бўлди. Турли субъектларнинг

ана шундай тарзда амалга оширган манипулятив саъй-ҳаракатлари оқибатида ёшларнинг баъзи вакиллари дунёқарашининг характери, ижтимоий фаолиятининг мотивлари миллий кадриятлар билан белгиланмай қўйди. Натижада миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга хос бўлмаган, ғайриижтимоий қилиқларга мойил йигит ва қизлар пайдо бўла бошлади.

Бешинчидан, маънавий-руҳий манипуляция натижасида миллий хулқ-атвор нормаларига риоя қилмайдиган ёшлар тоифаси пайдо бўлди. Манипулятив саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда ғарбона шахслараро мулоқотга, кийиниш стилига мойил йигит ва қизлар пайдо бўлиб қолди.

Олтинчидан, манипуляция жамиятга негатив муносабатда бўлган, ўзгаларга беписанд ёшлар тоифасини юзага келтирди. Оммавий коммуникация воситалари тараққиёти шарофати билан мамлакатимиз ёшлари ҳам беписандлик туйғусини сингдиришга қаратилган мазкур манипуляцион ҳаракатлар объектига айландилар.

Иккинчи бобдаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XXI асрда ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатишга қодир салмоқли демографик кучга айланиши турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маданий манфаатларга эга бўлган субъектларнинг эътиборидан четда қолмади. Уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ўз манфаатлари доирасига киритиш мақсадида энг замонавий манипулятив технологиялардан фойдаланила бошланди.

2. Ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга қаратилган манипулятив тадбирлар тўрт субъект томонидан амалга оширилмоқда: 1) иқтисодий манфаатларга эга субъектлар; 2) сиёсий-ҳуқуқий мақсадларга эга субъектлар; 3) ижтимоий манфаатларга эга субъектлар; 4) маънавий-мафкуравий манфаатларга эга субъектлар.

3. Мазкур субъектлар томонидан амалга оширилган маънавий-руҳий манипуляция натижасида ёшлар ичида анъанавий ижтимоий билимларга иштиёқсиз, ғарбона ижтимоий билим ва идеалларга мойил, ўзга эътиқодларга берилувчан, реал воқеликка мос бўлмаган кайфиятга эга, миллий кадриятларга эътиборсиз, миллий хулқ-атвор нормаларига риоя қилмайдиган, жамиятга негатив муносабатда бўлган йигит ва қизлар тоифаси пайдо бўлди.

Диссертациянинг “**Ёшлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялаш йўллари**” деб номланган учинчи бобида йигит ва қизлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоялаш учун уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилади ва қатор аниқ таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилади.

Мамлакатимизда яшаётган йигит ва қизларнинг дунёқарашини манипуляцион технологиялардан ҳимоя қилиш учун, энг аввало, ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ масалани кун тартибига қўймоқ, уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқ, юртимизда мавжуд барча интеллектуал ва маънавий ресурсларни ушбу вазифани бажаришга сафарбар этмоқ зарур.

Илмий дунёқараш – инсоннинг табиат, жамият, инсон ҳақидаги илмий характерга эга бўлган, илм-фан ютуқларига асосланган фалсафий, илмий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик ғоялар, билимлар, қарашлар, идеаллар, тасаввурлар ва қадриятлар системаси, унинг атроф-муҳит ва ўзга инсонларга бўлган муносабати ифодасидир. У нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг энг умумий, зарурий, қонуний хусусиятлари ҳақидаги билим ва тасаввурлардан таркиб топади. Илмий дунёқараш куйидагиларни ўз ичига олади:

а) гуманитар билимлар инсон борлиғи, яъни унинг жисми, руҳияти ва дунёқарашини, ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, оламдаги ўрнига доир билим ва тасаввурларни ўзида мужассам қилади; бу билимлар шахсга ўз ҳаётининг кадр-қимматини англаб етиш, уни тўғри йўлга қўйиш, ижтимоий аҳамиятли фазилат ва хислатларни шакллантириш имконини беради;

б) ижтимоий билим ва қарашлар жамият борлиғи, яъни унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалари, ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақидаги билим ва қарашлардан таркиб топади; бу билимлар жамиятда содир бўлаётган воқеалар моҳиятини, ижтимоий тараққиёт қонуниятларини англаб етишда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди;

в) табиий-илмий билимлар табиат борлиғи, яъни табиатнинг ривожланиш қонунлари, инсоннинг табиат ва табиий муҳитга муносабатига доир билимлар, тасаввурларни қамраб олади; бундай билимлар инсон турмуши учун зарур бўлган табиий муҳитга мослашишда, уни инсон манфаатларига мутаносиб равишда ўзгартиришда қўл келади.

Илмий дунёқарашга эга бўлган ёшларни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган маънавий-руҳий манипуляция объектига айлантириб бўлмайди. Ёш аҳолида илмий дунёқарашни шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини мустаҳкамлаш учун жамиятда илм-фан позициясини янада мустаҳкамлаш, илм вакилларининг жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш, илм-фан ютуқларини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар самарасини ошириш, ёшларни илмга жалб қилиш механизмининг такомиллаштириш, псевдоилмий таълимотларга қарши курашни кучайтириш, илмий дунёқарашнинг мазмуни ва таркиби, ёшларда уни шакллантириш услублари ва усулларига бағишланган рисоалар, услубий қўлланмалар, маълумотлар тўпламларини нашр қилишни йўлга қўйиш керак.

Йигит ва қизлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим омили уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ. Чунки маънавий-мафкуравий жараёнлар ўта мураккаблашаётган, ҳатто иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳам мафкуравий ранг олаётган бир даврда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантирмасдан туриб, ёшлар дунёқарашини турли маънавий-руҳий манипуляциялардан ҳимоя қилиб бўлмайди.

Мафкуравий иммунитет – шахс дунёқарашини вайронкор ғоя ва мафкуралар таъсиридан муҳофаза қилувчи билимлар, малакалар, кўникмаларнинг шаклланганлиги даражасини ифодаловчи тушунчадир. У ақлийлик, баҳолаш ва фаолият компонентларини ўз ичига олади. Ақлийлик

компоненти шахснинг турли ғоя ва мафкуралар ҳақидаги билимларидан иборат. Баҳолаш компоненти шахснинг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ушбу билимларга муносабатини ифодалайди. Фаолият компоненти шахснинг ғоя ва мафкуралар ҳақидаги билимлари асосидаги саъй-ҳаракатларини ўз ичига олади.

Йигит ва қизларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасида ханузга қадар кун тартибида турган қатор долзарб муаммолар мавжуд. Биринчидан, ёшларнинг турли ғоя ва мафкуралар ҳақидаги билимларини кенгайтириш борасида муаммолар мавжуд. Иккинчидан, ёшларнинг турли ғоя ва мафкураларга муносабатини шакллантириш, улар асосида фаолият кўрсатишга ундаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Учинчидан, ёшларни олган мафкуравий билимлари асосида фаолият кўрсатишга ўргатаётганимиз йўқ. Тўртинчидан, бир мафкуравий тарбия институти бошлаган ишни иккинчиси давом эттириши ўрнига бир-бирини такрорлаш, умумий мақсадга мутаносиб бўлмаган тарбиявий ишларга чалғиш ҳоллари кузатилмоқда.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш орқали ёшларнинг барча тоифасини жамиятнинг мафкуравий таъсири остига олиш мумкин. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги амалий ишлар самарасини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги тарбиявий вазифаларни ижтимоий институтларнинг тарбиявий салоҳиятига мутаносиб равишда қайта тақсимлаш, мафкуравий иммунитетнинг барча компонентларини уйғун ҳолда шакллантиришга хизмат қиладиган тадбирларни ташкил қилишга эътиборни қаратиш, бўлғуси мутахассисларни мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари билан таништиришга хизмат қиладиган ўқув курси асосларини ишлаб чиқиш, ёшларни бугунги кунда мафкуравий майдонда мавжуд бўлган бунёдкор ғоялар билан таништиришга эътиборни кучайтириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш услублари ва усулларига доир услубий қўлланмалар яратиш ишларининг самараси ва савиясини ошириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини умумлаштириш зарур.

Учинчи бобдаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёшлар дунёқарашини манипуляцион технологиялардан ҳимоя қилишнинг икки самарали йўли мавжуд: а) йигит ва қизларда илмий дунёқарашни шакллантириш, барча интеллектуал ва маънавий ресурсларни ушбу вазифани бажаришга сафарбар этиш зарур; б) ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларини янги босқичга кўтариш керак.

2. Йигит ва қизларда илмий дунёқараш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун қатор самарали, системали ва узлуксиз характерга эга бўлган тадбирлар мажмуини амалга ошириш зарур бўлади.

ХУЛОСА

Илмий изланишлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кунда турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий давралар, ҳукуматларнинг йигит ва қизларга турли иқтисодий фаолият норма ва принципларини, сиёсий ғоя ва нуқтаи-назарларни, ижтимоий позицияларни, маънавий-мафкуравий кадриятларни сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари йил сайин жадаллашиб бормоқда. Шу мақсадларда ёшлар дунёқараши ва руҳиятини маънавий-руҳий манипуляция қилишга ҳаракат қилмоқда.

2. *Маънавий-руҳий манипуляция деганда кишиларнинг маънавий қиёфаси, руҳияти ва фаолиятини мақсадни ошкор қилмаган ҳолда махфий, алдов ёки мажбурлаш тактикалари ёрдамида ўзгартиришга қаратилган маънавий, руҳий таъсир тури тушунилади.* Унинг уч асосий хусусияти мавжуд: а) унинг давомида асл мақсад ошкор қилинмайди; б) у махфий ҳолда амалга оширилади; в) у алдов ёки мажбурлаш технологияларига асосланади.

3. Маънавий-руҳий манипуляция *позитив ёки негатив характерга эга бўлиши ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий мақсадларга* йўналтирилган бўлиши мумкин. Ижтимоий шарт-шароитлар ва заруриятга қараб маънавий-руҳий манипуляция *индивидуал, жамоавий ва оммавий шаклларда* олиб борилади.

